



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 20 сентябрь, № 196 (9367)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ҚИЁФАСИ ВА ЎСИШ НУҚТАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 сентябрь кuni Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Сўнгги йилларда ҳудудни ривожлантириш учун катта маблағлар ажратилиб, алоҳида имтиёз ва шароитлар яратилди. Фойда, ер ва мол-мулк солиқлари 2 карра, саноат корхоналари учун электр тарифи 15 фоизга пасайтирилди, ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланди. Ўтган йили 1 миллиард 700 миллион доллар инвестиция киритилди. Бу 2021 йилдагидан 22 карра кўп. Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт 10,2 фоиз ўсиб, Қорақалпоғистон Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи ўринни эгаллади.

Бу ўзгаришларда барқарор энергия таъминоти муҳим ўрин тутмоқда. Сўнгги йилларда 860 мегаватт янги қувватлар ишга туширилди. Беруний ва Қораўзақда шамол станциялари қурилиши ҳисобига “яшил” энергия улуши 23 фоизга етди. Электр ишлаб чиқариш 4 карра ошиб, 5 миллиард 330 миллион киловатт-соатни ташкил этди. Бу аҳоли ва корхоналарнинг йиллик талабидан қарийб 3 баробар кўп.

Ташриф давомида 7 миллиард долларлик 47 та лойиҳа қурилишига старт берилди. Жумладан, Қўнғиротда 2 миллиард 600 миллион долларлик, қуввати 1,5 минг мегаватт шамол станцияси барпо этилади. Лойиҳа доирасида 1,5 минг километр юқори қучлашилми тармоқ ва 500 киловольтли 3 та подстанция қурилади. 2030 йилгача жами 3 минг 300 мегаватт

шамол станцияларини ишга тушириш, “яшил” энергия улушини 76 фоизга етказиш ва 400 мегаватт энергия сақлаш қувватини яратиш режалаштирилган.

Транспорт ва ижтимоий инфраструктурада ҳам катта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бўзатовда санаторий, Нукусда онкология ва радиология маркази, Қўнғиротда болалар шифохонаси ва туғуруқхона, Амударё ва Тўртқўлда амфитеатрлар, Нукус шаҳрида гимнастика маркази ҳамда Консерватория филиали фойдаланишга топширилди.

“А-380” магистраль йўлининг Қўнғиротдан ўтган 240 километри 384 миллион доллар ҳисобига бетон қопламага ўтказилди. Йўлнинг Тўртқўл, Эллиққалъа ва Берунийдан ўтган яна 92 километрида 233 миллион долларлик қурилиш бошланди. Натижада транзит 1,5 карра ошиб, юқлар Тўртқўлдан Қозоғистон чегарасига бир сутка ўрнига 10 соатда етиб боради. Келаси йил март ойидан Тошкент — Нукус тезкорар поезди қатнови йўлга қўйилиб, сафар вақти 16 соатдан 7 соатга қисқаради.

“Туямўйин” сув тозалаш иншоотини реконструкция қилиш ва Қўнғиротдан Мўйноққа 100 километр ичимлик сув тармоғи тортиш бошланади.

Йиғилишда мавжуд ер, минерал ва энергетика ресурсларини юқори қўшилган қийматли маҳсулотларга айлантириш масаласига алоҳида

эътибор қаратилди. “Ресурсдан тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида янги саноат ва инвестиция харитаси яратилади. Қўнғирот — Қораўзақ — Тахиатощ йўналиши “яшил саноат йўлаги” — “интеллектуал иқтисодиёт учбурчаги”га айланади.

Сунъий интеллект ва дата марказлар учун ташкил этилган махсус зонада 8 миллиард долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилади. Беш йиллик дастур ишлаб чиқиб инвесторлар учун 1 гигавааттлик барқарор электр таъминотини йўлга қўйиш топширилди. Уч йилда Нукус шаҳри, Қўнғирот, Қораўзақ ва Тахиатощда 1,5 минг юқори даромадли иш ўрни яратиш, булутли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида йиллик экспортни 600 миллион долларга етказиш белгиланди.

“Яшил” энергияни “карбон кредит”га айлантириш орқали йилига 50 — 100 миллион доллар даромад олиш имконияти қайд этилди. Бир ойда ушбу механизмни йўлга қўйиш ва йирик импортёр давлатлар билан музокаралар ўтказиш вазифаси қўйилди. Экспортдан тушадиган маблағлар инфратузилмага ажратилаётган ресурсларга қўшимча бўлиб, Қорақалпоғистоннинг ўзида қолади. Йил якунигача Оролнинг 50 минг гектарида “ўрмон карбон кредити” дастури бошланади.

Худуднинг атиги 20 фоизда геология ишлари ўтказилган, ин-

весторлар учун хомашё захиралари ҳақидаги маълумотлар етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Бир ойда 1 минг иш ўрнига эга олтин қазиб олиш ва қайта ишлаш кластерини ташкил этиш, комплекс геология-қидирув дастурини ишлаб чиқиб, конлар захираларини қайта баҳолаш топширилди.

Туманлар кесимида тўқимачилик ва чарм саноатида камида 150 миллион, электротехникада 200 миллион, энерготехжамкор қурилиш материалларида 100 миллион, автомобиль эҳтиёт қисмларида 120 миллион ва фармацевтикада 50 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Италиянинг “Bonifika Ferrarizi” компанияси билан Тахтақўпирда 50 миллион долларлик лойиҳа бошланмоқда. Унда 2 минг гектарда помидор ва галла етиштирилиб, чуқур қайта ишланади ҳамда Европага экспорт қилинади.

Ҳар бир туман бўйича инвестиция тақдимотлари ўтказиш, вилоят ҳокимлари иштирокида 2-3 минг юқори даромадли иш ўрни яратадиган лойиҳаларни бошлаш топширилди. Келаси йили Қорақалпоғистонга 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари кенгайтирилади.

Банкларнинг ишончли мижозлари учун 16 фоизли 300 миллиард

сўмлик кредит линияси очилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси 4 фоизлик қисмини қоплаши ҳисобига тадбиркор учун ставка 12 фоизга тушади.

Оилавий тадбиркорлик кредитлари ставкаси 17,5 фоиздан 12 фоизга туширилади. Келаси йили ресурслар 2 карра оширилиб, драйвер лойиҳаларга 100 миллион доллар йўналтирилади. Шу ҳисобдан камида 50 минг одамни даромадли қилиш белгиланди.

Туманларда иқтисодий ўсиш ва бандликка туртки берадиган яна иккитадан лойиҳа учун 100 миллиард сўм ажратилиб, 10 минг одамнинг даромад манбаи яратилади.

Қишлоқ хўжалигидаги имкониятлардан фойдаланиш, аввало, сув йўқотишларини камайтиришга боғлиқ экани қайд этилди. Худуддаги 417 минг гектарни суғоришга 5 миллиард 700 миллион кубометр сув сарфланмоқда. Йўқотишлар 38 фоизни — 2 миллиард 100 миллион кубометрни ташкил этмоқда.

Тўртқўлдаги “Ёнбош” ва Бўзатовдаги “Эркиндарё” каналларини бетонлаш, сув иншоотлари ва артезиан қудуқлар қуришга 135 миллиард сўм ажратилади. Икки канални 1 мартгача бетонлаш, келаси йил 17 минг гектарда озуқа экиб, 2 минг одамни даромадли қилиш топширилди. Сув объектларини модернизациялаш учун жалб қилинадиган грантлар 100 миллион долларга етказилади. 1 апрелгача Қорақалпоғистондаги 59 та,

бошқа вилоятлардаги 200 та сув насоси янгиланади.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун фойдаланилмаётган яйлов ва ерлар ўзлаштирилади. Қўнғирот, Беруний ва Чимбойда 2 минг гектар ер тикланмоқда, келаси йили яна 5 минг гектар ўзлаштирилади. Бўзатовда 7,5 минг гектарни озуқага мослаштиришга 100 миллиард сўм ажратилади. Озуқа етиштиришга ҳар гектар учун 500 минг сўм субсидия берилади.

Ийрик чорва комплекслари учун кредит миқдорини 50 миллиард сўмгача ошириш таклифи қўллаб-қувватланди. Самолётда олиб келинадиган насли буқалар қийматининг 10 фоизи, ҳар бир бош учун 4 миллион сўмгача субсидия қилинади. Бир ойда камида 100 минг бошли комплекс лойиҳаларини шакллантириш топширилди.

Тахтақўпирда Шинжон тажрибаси асосида озуқа етиштириш ташкил этилиб, хориждан 5 минг бош қўй-эчки олиб келинади. Йил якунигача 10 — 15 минг гектарда лойиҳаларни шакллантириб, бир йилда 100 минг бош қўй-эчки боққини йўлга қўйиш белгиланди. “Кегейли насли парранда” корхонаси қувватини 2-3 карра ошириб, холдинга айлантириш, техникумда паррандачилик курслари очиш топширилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Мабулот хизмати суратлари.

Сукур

БУ ВАТАН БИЗНИКИДИР!

Бу Ватан бизникидир, зарларга тўла тупроқ,
Келгин, дўстим, ўзинг ҳам унга бир бор қара, боқ.

Самарқандга тикилсанг тарих кўтаради бош,
Амир Темурни бошлаб чиқиб келади куёш.

Зулмат ортга чекинган, нурлар тўшаган гилам.
Гул-чечакка бурканиб гўзаллашар бу олам.

Минорлари бўй қўзиб гурурлар бахтидан,
Қадимий ошён энди қайтмас эзгу аҳдидан.

Дунё йўллари бугун шунда келиб туташар,
Имом Бухорий томон ният қилиб ўтишар.

Зарафшоннинг дурлари қадамда берар жило,
Тупроғида саховат, барака бордир, илло.

Янги Жиззах яшнаган манзилларни кўзлайди,
Зомин олис тарихдан ҳикоялар сўзлайди.

Қишлоқлари шаҳардан қолишмайдику асло,
Навоийга йўл олинг, кўринг Бухорогача то.

Сурхондарё гуркураб авжи оройишдадир,
Фарғона қирчиллама энг гуллаган ёшдадир.

Мафтун этар дилларни Наманганнинг чиройи,
Шукроналик бор бунда, бор кексалар дуойи.

Қолишмайди ҳар ишда Қашқадарё шидлати,
Зафарларда бўй берган меҳнаткаш халқ ҳиммати.

Ўзгачадир Андижон бағрида шодлик, гурур,
Жаннатмонанд юртига қайтиб келганди Бобур!

Нурафшонда нур ёғиб уйғонади ҳар саҳар,
Эзгуликка тонгданоқ ҳар кун бошланар сафар.

Кўнгиллардан йўқолди бир зумда ахир ҳадик,
Сирдарёга кўрк бериб турар осойишталик.

Разм солинг бир марта ойдин кечаларига,
Фақат фойз ярашгадир Тошкент кўчаларига.

Жайхун оша жаҳонга кўз-кўз этиб оразин,
Меҳмонларга мунтазир қучоқ очган Қоразм.

Бугун элим шод яшар Қорақалпоғистонда,
Ҳар кент, ҳар қишлоқ яшнар Қорақалпоғистонда.

Юракларга ингайдир шуқр отлиғ бир зиё,
Умрларга боқайдир шодликлар яна қиё.

Улуғлардан куч олиб, шитобла елар халқим,
Кўзида нур, қўлида китобла елар халқим.

Бу юрт босиб ўтган йўл бўлғай ибрат куёши,
Унга қанот бўлғайдир мудом оқил Юртбоши.

Тилаклар куч бергайдир диллардаги имконга,
Илоҳим, кўз тегмасин Янги Ўзбекистонга!

Ўткир РАҲМАТ

АГРАР СОҲА ИСТИҚБОЛИДА ИННОВАЦИОН МОДЕЛЬ

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, энг муҳими, Оролбўйининг мураккаб табиий-иқлим шароитида иқтисодий ўсишнинг янги имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларини яна бир бор давлат сиёсатининг амалий кун тартибига олиб чиқди.

Акс садо

Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган Қонунчилик палатаси депутати сифатида ташриф давомида қишлоқ хўжалиги ривожига қаратилган эътибор, соҳа истиқболи учун белгилаб берилган вазифалар қўлама катта эканини алоҳида таъкидлаш зарур деб ҳисоблайман. Зеро, аграр соҳа ҳудудда фақат маҳсулот ишлаб чиқариш тармоғигина эмас, аҳоли бандлиги, озик-овқат хавфсизлиги, камбағалликни қисқартириш, экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ ва овулларнинг барқарор ривожига асосий роль ўйнайдиган иқтисодиётнинг муҳим таянчидир.

